Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 25-mart, seshanba № 38 (3387)

Жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ

ИННОВАЦИЯ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Навоийда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада 200 дан ортиқ илмий ишланма ва лойиҳалар намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти олимлари яратган картошканинг янги нави кўпчиликнинг эътиборини тортди. Асосан тоғли ва лалми ҳудудларга мослаштирилган бу нав юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, институт томонидан тақдим этилган терини қайта ишлаш жараёнида чиқитга айланадиган тери бўлакларидан тиббиётда қонни тўхтатишда тиббий восита сифатида фойдаланиш бўйича лойиҳа ҳам иштирокчиларнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

— Бизнинг муассасада вилоятимиз шароити ва иқлимига мос 60 навдаги узум ва мевали дарахт кўчатлари парваришланмоқда, — дейди академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва вино ишлаб чиқариш институти Навоий вилояти филиалининг илмий лойиҳа раҳбари Нуриддин Рустамов. — Ярмаркада филиалимиз томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларга қизиқувчилар сафи янада кенгайди.

Тадбир давомида саноат корхоналари ва ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан янги технология, лойиҳа ва ишланмаларни харид қилиш, сотиш юзасидан бир қатор шартномалар имзоланди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида.

Сирож АСЛОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Диққат, диққат!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ижобий ўзгаришлар ва бунёдкорлик ишлари, барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланиш ҳамда модернизация жараёнлари, қабул қилинаётган Давлат дастурларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини кенг жамоатчиликка етказиш, бу борада амалга оширилаётган ишлар тарғиботига муносиб ҳисса қўшиш, оммавий ахборот воситалари ходимларини инсон манфаатларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишларни янада кенг ёритишга жалб этиш мақсадида журналистика соҳасида «Инсонга наф келтириш — олий бахт» Республика анъанавий танловини ўтказади.

Мазкур танловга 2013 йилнинг 1 июнидан 2014 йилнинг 1 июнигача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган, телевидениеда намойиш этилган ва интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2014 йилнинг 5 июнигача қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материалларда мустақиллик йилларида диёримизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталик барқарорлигини таъминлаш, ижтимоий, маънавий ва маърифий соҳаларда энг юқори натижаларга эришиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг, аввало, инсон манфаатларига йўналтирилганлиги чуқур таҳлил орқали очиб берилиши лозим. Материалларда, хусусан, қуйидаги масалалар ёритилганлиги эътиборга олинади:

- давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ижтимоий шериклик асосида инсон манфаатлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари уйғунлиги;
- демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шу жумладан, муносиб тарзда меҳнат қилиш, дам олиш, ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби қонуний манфаатлари ҳимояси;
- жамоатчилик назорати;
- касаба уюшмаларининг ижтимоий шериклик асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолият йўналишлари;
- маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш;
- ҳомийлик ҳамда хайрия ишлари ва бошқалар.

Танлов ғолиблари оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича аниқланади:

Босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (газета ва журналлар – 1, 2, 3-ўринлар);

Электрон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган энг яхши журналистик материал (телевидение, радио, интернет журналистика – 1, 2, 3-ўринлар).

Шунингдек, ушбу йўналишларнинг ҳар бири бўйича учтадан рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилган.

Танлов ғолиблари ва рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар 5 тадан кам бўлмаслиги керак.

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши лозим.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши даркор.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова этилиши зарур:

- муаллиф ва унинг иш жойи, журналистик фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллиф паспорти нусхаси;
- муаллиф манзили ва боғланиш телефонлари.

Танлов ғолибларини мукофотлаш тадбири 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100165,
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 4-хона.
Телефонлар: (8-371) 256-52-79; 252-21-18.
E-mail: pressa@kasaba.uz

Мурожаатга жавобан

Она заминни ободонлаштириш, боғ-роғларга буркаш қорақалпоғистонликларнинг ҳам қонқонига сингиб кетган азалий қадриятлардан ҳисобланади.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАР

— Диёримизда Наврўз шукуҳи кезмоқда, — дейди Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Элликқалъа туман кенгашининг раиси Эгамберди Бобожонов. — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига Мурожаатидан руҳланиб жойларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш тобора авж олмоқда. Бу борада «Нуриммат Курбанов» кўп тармоқли паррандачилик фермер хўжалиги ишлари барчага намуна бўлмоқда. Хўжалик аъзолари 1 гектар майдонга мевали дарахт кўчатларини ўтказишди.

Тумандаги наслчиликка ихтисослашган «Ўрнак» чорва фермер хўжалиги жамоасининг ҳам шашти баланд. Хўжалик раҳбари Шамсиддин Фахриддинов бу йил оз эмас, кўп эмас, 4 гектар майдонда боғ яратиб, ширасси тилни ёрадиган мевалари билан ватандошларимизни хушнуд қилиш мақсадида меҳнат қилмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Байрам арафасида касаба уюшмалари томонидан самарқандлик хотин-қизларга муносиб армуғон ҳозирланди.

ГЎЗАЛЛИК САЛОНИ

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан «Гўзаллик салони» ишга туширилиб, уч нафар қиз иш билан таъминланди. Бу ерда аёлларга ўнга яқин косметик ва сартарошлик хизматлари кўрсатилади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ғамхўрлик

Умрни савоб безайди

Кўкламда уйғонаётган куртак, униб чиққан майсанинг руҳимизга таъсири бўлакча. Ҳар йилбоши — Наврўз хайрли ишларга ундайди бизни. Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ҳам умумхалқ байрами муносабати билан бугун ҳаёт қайнамоқда.

Навбатдаги ҳаракат маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилди. Оқолтин тумани «Ғалаба» МФЙ ҳудудидаги 32 та кам таъминланган хонадонни зиравор ва сабзавот уруғлари билан таъминлашга қўмаклашилди.

Наврўзда бошқа байрамлардан фарқ қиладиган бир хусусият бор. Ҳеч ким эътибордан, ғамхўрликдан четда қолмайди. Бирлашма кенгаши хасталар, кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратди. «Ғалаба» МФЙда яшайдиган кам таъминланган оила рўйхатида турувчи Дилноза Баёновага вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Фуқаролар йиғини ҳудудида яшайдиган кам таъминланган оилаларнинг тўққиз нафар фарзанди «Соғлом бола йили» Дастури асосида «Оқолтин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида 2014 йил ёз мавсумида бепул соғломлаштириладиган бўлди. Шунингдек, Муҳаббат Муродовага «Чинобод» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди.

Инсон қадри ҳар нарсадан улуғ. Зеро, умримизни савоб безаши ана шу таомилга риоя қилишдан бошланади.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Қадриятлар қадр топган корхона

«Урганчтрансгаз» шўъба корхонасида миллий анъана ва қадриятлар бардавомлигини, миллатлараро бағрикэнглик ва дўстлик, тотувликни тарғиб қилишга қаратилган тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Ўлкамиз узра кўклам сепини ёйган, Наврўзи олам кенг тантана қилинаётган кунларда касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ташкил қилинган «Миллий қадрият, урф-одат, анъана» кўрик-танлови жамоадошларни янада жипслаштирди.

Корхона ҳовлисида қад кўтарган қора уй нафақат жамоа, балки бутун урганчликларнинг диққатини тортди. Қўнғирот, Ақчалоқ, Қорақалпоғистон магистрал газ қувурлари бошқармалари ходимлари томонидан тикланган бу уйлар олиб юришга қулай, қишда иссиқ, ёзда салқинлиги, экологик тоза маҳсулотдан тайёрлангани билан аҳамиятлидир. Шу боис кейинги йилларда бундай уйларни қуриш анъанаси қайта тикланди. Қора уйга осилган нақшинкор гиламлар, қурамиш кўрпачалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Қора уй билан танишувдан бошланган танловнинг биринчи шарти миллий либосларга бағишланди. Очиғи, тадбирга ходимларнинг аксарияти миллий кийимларда ташриф буюрганлиги, уларнинг бир-биридан жилокорлиги ҳакамларни бироз шошириб қўйди. Ақчалоқ магистрал газ қувурлари бошқармаси вакиллари қорақалпоқ миллий либосларини намойиш қилишди. Қизил киймешек, кўк кўйлек, саукеле ва тобеликлар кийган, жилвакор тақинчоқлар таққан қизлар жўрлиги, ўзлари олиб келган қадимий буюмлар, мусиқий асбобларнинг таърифини келтиришди. Улар ёрдамида куй чалиб, қўшиқ куйлаб нафақат малакали мутахассис, балки санъат шайдоси ҳам эканликларини исботлашди.

Навбат миллий таомларга келди. Етти жамоа тақдим қилган етти дастурхондаги таомлар очил дастурхонда ҳам бўлмаса керак.

— Зоғорамизни емабсиз, бу дунёга келмабсиз, — дейишди Қўнғирот минтақавий газ қувурлари бошқармаси жамоаси вакиллари. Уларнинг оқсаулоғу, гўжаси, димламасини тотиб кўрганлар дармон топдилар.

«Ақчалоқ» жамоаси қорақалпоқ бўғирсоқларининг таърифини хўп келтиришди. Қорақалпоқлар қадимдан чорвачилик, балиқчилик билан кун кечиришганини айтиб, балиқдан тайёрланган ўнга яқин таомни тортиқ қилишди. Қовун мураббосининг шифобахшлигини айтиб, барчани ундан тановул қилишга чорлашди. «Қорақалпоғистон» жамоаси қозоқ бешбармоғидан яхши таом йўқлигини ҳам сўзда, ҳам амалда асослаб беришди. Шубат таъбир кўрмаганлар армонда қолди. «Урганчтрансгаз» корхонаси бошқаруви жамоаси Хоразм нонларининг ўнга яқин турларини дастурхонга тортиқ қилди. Улар тайёрлаган ширинликлару пиширириқлар иштаҳаларни ўйнатиб юборди. «Урганч» жамоаси вакиллари ҳақиқий ўзбекча дастурхон мана бундай бўлади, дея шойи безаклар билан сайқал топган дастурхонга ўзбегим чиннисида миллий таомларни шундай жойлаштиришдики, дастурхон эмас, мисли санъат асарига айланди. «Заунгур» жамоаси «бу неъматлар Хон боболаримиздан қолган», дея қовун уруғидан тайёрланган барагу гуммалари, ийжону шувут ошлари билан сийлашди. Шоҳона таомлар ҳаммани лол қилди. «Урганч» жамоасининг кўкбараклари, қовоқ сомсаларига ҳам таҳсинлар айтилди.

Умуман, ҳар бир дастурхондан 40 дан зиёд таомлар, ширинлигу мевалар жой олганки, уларга қараб халқимизнинг нақадар пазандалигига, миллий таомларимизнинг қувватига тан бермасликнинг иложи йўқ.

Учинчи шартда жамоалар миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни ўз ичига олган саҳна кўринишларини намойиш қилдилар. Қўшиқ ва лапарлар, рақсларимизнинг жозибаси йиғилганларга завқ ва шавқ улашди. Танлов якунлари Наврўзи олам тантаналарига уланиб кетди.

— Мақсадимиз, миллий анъана ва қадриятларимизнинг бардавомлигини таъминлаш, аъзоларимизга маънавий ҳордиқ улашиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Умрбек Маткаримов. — Бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб боришни режалаштирганмиз.

Қадриятлар қадр топган, инсон омилига эътибор қаратилган корхонада касаба уюшма аъзолари юрт равнақи, Ватан тараққиёти йўлида фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Кўклам шукуҳидан баҳра олган кўнгилларда яратишга, гўзалликка иштиёқ янада ортганлигига шубҳа йўқ.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 25-mart № 38 (3387)





Наврўз байрами арафасида Самарқанд шаҳрида дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Integra DD» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ
ишлаб чиқаришга ихтисослашган

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди. Тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш билан бирга импорт ўрнини босувчи дори воситалари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур корхона ҳам ана шундай эътибор туфайли ташкил этилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

— Корхона таъсисчилари ҳисобланган Республика «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Самарқанд дори-дармон» очиқ акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзбекистон дори таъминоти» шўъба корхонаси ёрдамида қисқа вақтда замонавий талаблар асосида бунёд этилиб, етакчи хорижий компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, — дейди корхона раҳбари Анвар Ҳайдаров. — Бу технологиялар ёрдамида дастлаб икки номдаги олти хил дори воситаси ишлаб чиқарилмоқда. Йил охиригача яна тўрт номдаги, 2017 йилгача эса 25 номдаги дори воситалари тайёрлаш йўлга қўйилади.

Янги корхона иш бошлаши билан олтмиш нафардан зиёд ёш мутахассис доимий иш ўрнига эга бўлди. Улар дори воситалари ишлаб чиқариш ва сифатини назорат қилиш бўйича қайта тайёргарликдан ўтган, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасида малака оширган.

Келгусида корхона фаолияти янада кенгайиб, яна қирқта иш ўрни яратилади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: Самарқанд шаҳрида дори воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Integra DD» масъулияти чекланган жамиятида.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Жамоа шартномаси — амалда

2013-2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2013 йил якунлари «Навоийазот» ОАЖ меҳнат аҳлида катта қизиқиш уйғотди. Дастлаб бошқарув раиси Собиржон Жамолов ҳамда касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродовларнинг амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Муҳокамага чиққанлар корхона ҳаётида касаба уюшмаларининг тутган ўрни, амалий кўмакдошлиги хусусида батафсил сўз юритишди.

Аъзолар манфаати мужассам

Муҳокама асноси ишчи-ходимлар манфаатдорлигини ошириш борасида эътиборга молик таклиф ва мулоҳазалар ҳам ўртага ташланди.

Кейинги йилларда касаба уюшма қўмитасида ўзига хос мактаб яратилганлиги қайд этилди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови тармоқ бўйича Республика босқичида фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилганлиги бунга ёрқин мисол бўлиши мумкин. «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловида эса вилоятда фахрли биринчи ўрин мазкур жамоага насиб этди.

Бахтини шу аҳил жамоа ютуқларида деб билган жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов шундай деди:

— Корхонамизда 5 та ишлаб чиқариш ва 75 дан ортиқ цехлар мавжуд бўлиб, уларда эркин ва хавфсиз меҳнат шароити яратилган. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимояси иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тасдиқланган жамоа шартномаси орқали амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган йил давомида ана шу муҳим ҳужжатга асосан 367 нафар аъзога ижтимоий кўмак берилди. Хусусан, кўп болали, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакилларининг 125 нафарига моддий ёрдам ажратилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун 207 нафар ишчига, уй-жой қурилиши учун эса 60 нафар касаба уюшма аъзосига корхона томонидан фоизсиз ссудалар ажратилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 67 нафар талабанинг шартнома пуллари қопланди...

Кези келганда яна бир тадбир ҳақида тўхталиб ўтсак. Наврўз байрами арафасида анъанага

кўра «Навоийазот» ОАЖ тасарруфидаги «Ширин» маданият саройида катта шодиёна ташкил этилиб, 10 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди. Карнай-сурнай, ялла-ю алёрлар садоси остида ардоқли дилбандларнинг яқинлари тўкин дастурхон атрофида жам бўлди. Шоду-хуррамлик ва ўзгача шукуҳ билан баҳорий тансиқ таомлар, кўпнинг оши баҳам кўрилди. Болажонларга бош-оёқ сарпо, велосипед ҳамда бошқа совғалар туҳфа этилди. Банкда ҳисоб рақамлари очилиб, болаларнинг ҳар бирига 300 минг сўмдан пул ўтказилди.

Кармана туманидаги 25-сонли мактаб-интернат ва Навоий шаҳридаги «Меҳрибонлик» уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, байрам дастури намойиш этилди. Ҳар бир болажонга ширинлик ва кийим-кечаклар тарқатилди. Шунингдек, касаба уюшма қўмитаси фаоллари озиқ-овқат тўпламларидан иборат совға-салом билан якка-ёлғиз, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонларга ташриф буюришди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар жиҳатдан ўрнак

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг нефт ва газ саноати, электр энергияси соҳалари учун мутахассислар тайёрлаб беришда муносиб ҳиссаси бор. Яқинда институтда 2012-2014 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2013 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Дастлаб амалга оширилган ишлар ҳақида институт ректори Назирилла Маҳмудовнинг ҳисоботи тингланди.

Қаердаки ҳамжиҳатлик бор...

— Муваффақиятли фаолият, авваламбор, педагог ва техник ходимларнинг касб маҳорати ва албатта, кўтаринки кайфиятига боғлиқ, — деди ректор ўз сўзида. — Ўтган йилда 263 нафар ходимга 153 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам берилди. Бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағларнинг тўртдан бир қисми тасдиқланган Низом асосида касаба уюшма қўмитаси қарори билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясига йўналтирилди. Институтда тиббиёт хонаси ташкил этилган бўлиб, ходимларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари йўлга қўйилган.

Институт қошидаги учта академик лицей ўқувчилари учун стипендия белгиланиб, 9 нафар иқтидорли ўқувчига олти миллион бир юз ўн олти минг юз сўм сарфланди. Ўтган йилги стипендиатларимиздан етти нафарининг олий ўқув юртига давлат гранти асосида, икки нафари эса шартнома асосида қабул қилингани илмий кенгашимизнинг танлови нақадар оқилона бўлганини кўрсатади.

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар, уларнинг оила аъзолари, талабаларни ҳар томонлама камол топтириш борасида ҳам ўзига хос анъаналар шаклланган бўлиб, касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда режа асосида тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Турли байрамлар муносабати билан меҳнатда ўрнак бўлган ходимлар рағбатлантириб борилди. Спорт мусобақалари ва танловлар ташкил этилиб, ғолиблар эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамиятини ходимларга, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу борада ҳар ойда бир марта ўтказиладиган «Маънавият соатлари» ижобий натижа берганини қайд этиш ўринли.

— Қўмита аъзолари томонидан институт ҳудудидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иши назорат қилиб борилди, — деди касабақўм раиси Файзиддин Тиловатов. — Жумладан, институт ҳудудидаги 4 та овқатланиш ҳамда учта хизмат кўрсатувчи дўконлар фаолияти ўрганилди ва тегишли кўрсатмалар берилди. Бундан ташқари, иш берувчи билан биргаликда қўмитага мурожаат қилган ҳар бир ходимнинг талабини бажаришга эришиляпти. 16 нафар ходимга дам олиши учун, яна уч нафарига ота-онасини соғломлаштириш учун йўлланмалар ажратилди. 20 нафар ходим фарзандлари «Зиё чашмалари» оромгоҳида ҳордиқ чиқарди.

Битирувчи талабаларни келгусида меҳнат фаолияти билан таъминлаш мақсадида «Карьера куни» ташкил қилиниб, унда вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар бошқармалари ва илғор саноат корхоналари раҳбарлари иштироки таъминланди. Барча мутахассислик ва йўналишларни тугатаётган талабаларнинг ўқиш давомида олган билим ва кўникмаларини тавсифловчи плакат ҳамда видеороликлар намойиши уюштирилиб, ишга қабул қилиш учун шартномалар тузилди...

Йиғилишда Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим мудири Ўрол Адилов иштирок этиб, касаба уюшмаларида амалга оширилаётган такомиллашув жараёни, бошланғич ташкилотларга қаратилаётган эътибор, иш берувчи ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик тамойилларига тўхталиб ўтишди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

Вазифалар белгилаб олинди

«Сурхондарё ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» ОАЖда жамоа шартномасининг ўтган йилги ижросига оид умумий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда жамият бошқаруви раиси У.Раҳимов ва касаба уюшма қўмитаси раиси И.Абдуллаевларнинг ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, корхонада жамоа шартномасига асосан 1951 нафар ходимга белгиланган тартибда тегишли имтиёзлар қўлланилган. Ходимларнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатлари ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларга муносиб меҳнат шароити яратиб берилган.

Жамоа шартномасига илова сифатида ҳар йили тузиладиган Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича битимга биноан иш ўринлари назоратга олиниб, хавфсизлик техникасини кучайтириш юзасидан тадбирлар амалга ошириб келиняпти. Ноқулай меҳнат шароитида ишлайдиган ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, бошқа ҳимоя воситалари, шунингдек, ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминланиб, мунтазам тиббий кўрик ташкил этилаётир.

Йиғилишда Бош келишув ва вилоятда тузилган минтақавий келишувлардан келиб чиқиб, маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2014-2016 йилларга тузилган жамоа шартномаси қабул қилинди.

Шу муносабат билан йиғилишда иштирок этган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А. Аҳмедов, Федерация Кенгаши ва тармоқ Марказий кенгаши вакиллари куннинг долзарб вазифаларига тўхталиб ўтдилар.

М.АНАРБОЕВ,
Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

Касаба уюшмаси ёрдамга келди

Бошқа вилоятларда бўлгани каби Самарқандда ҳам бошланғичлар фаолиятини янада ривожлантиришга жиддий аҳамият берилаётир. Яқинда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раис ўринбосари Акбар Қодиров бошчилигидаги ишчи гуруҳ аъзолари туманимизда бўлишди. Ташриф жараёнида бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганиш баробарида, аниқланган камчилик ва нуқсонларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилди.

Ободлик — аҳилликда

Гапнинг сираси, бундай ташрифларга ўрганиб ҳам қолдик. Буларнинг бари фаолиятни жонлантиришга хизмат қилмоқда. Иш берувчи билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, тумандаги 13-, 22-мактабгача таълим муассасалари, 6-, 17-, 34-, 43-, 55-, 61-умумтаълим мактаблари бошланғич ташкилотлари такомиллашув талаби даражасига етказилди. «Ободлик аҳилликда», деганларидек, қўлни-қўлга берсак, амалга ошмайдиган вазифанинг ўзи йўқ.

Касаба уюшмалари қанчалик баобрў бўлса, иш ўринлари ҳам шунчалик кўпайиб бораверади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Туманимиз ҳудудида фаолият юритаётган «Ёшлик» спорт жамияти, «Нигоҳ» газетаси таҳририяти, «Чортут» хусусий корхонаси сингари дахлдор бошланғич ташкилотлардан яна бештаси таркибимизга қўшилди. Шундай қилиб, ташкилотларимиз 140 тага, аъзоларимиз эса 11150 нафарга етди.

Обрўй САЛОҲИДДИНОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман кенгаши раиси

Бандлик

Қўштепа туманида жойлашган «Иброҳимжон гиламлари» хусусий корхонаси маҳсулотларининг асосий харидори хорижлик буюртмачилар ҳисобланади.

КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

Ипакдан гилам тўқиш мураккаб касб саналади. Корхона раҳбари Иброҳимжон Султоновнинг саъй-ҳаракати билан Лангар агросаноат коллежида ипак тўқиш сирларини ўргатишга мўлжалланган бўлим ташкил этилди. Ишлаб чиқариш фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида қўшни Чимкент қишлоғида яна бир хусусий корхона ишга туширилди. Ҳозир бу ерда юз нафар маҳаллий хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Айни кунларда 90 нафар ёш иш билан банд. Корхона ва коллеж ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси

ЎН ИККИ НАФАР БИТИРУВЧИ ИШЛИ БЎЛДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Нукус деҳқон бозори» қошида янги савдо шохобчаси фойдаланишга топширилди. Замонавий меъморчилик андазалари асосида қад ростлаган икки қаватли бинонинг биринчи қаватида балиқ маҳсулотлари сотишга мўлжалланган, иккинчи қаватда бир вақтнинг ўзида 60 нафар мижозга хизмат кўрсата оладиган миллий таомлар ошхонаси иш бошлади.

— Аҳолига сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб бериш ниятида банкнинг имтиёзли кредит маблағлари эвазига қурилиш ишларини амалга оширдик, — дейди «Аму-Орол» кўптармоқли ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Жусипбой Низанов. — Бу ерда асосан корхонага қарашли Мўйноқ туманидаги «Мўйноқ-қўлтиқ», «Қизилхай» кўллари ҳамда сунъий ҳовузда етиштирилаётган балиқлар сотилади.

Савдо шохобчасининг ишга туширилиши натижасида 12 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси доимий иш билан таъминланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: Нукус шаҳридаги «Нукус деҳқон бозори» қошида фойдаланишга топширилган янги савдо шохобчасида.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси

Ромитан туманидаги «Ромитан» қишлоқ фуқаролар йиғини ва бирлашган фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2012-2014 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2013 йилдаги ижросига бағишланган конференция ишчанлик руҳида ўтди.

Қарс икки қўлдан

ҚФЙ раиси Самад Файзиев ўз сўзида ҳудудда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш, ободончилик ишлари, аҳоли турмуш даражасини оширишда касаба уюшма аъзоларининг хизмати салмоқли бўлаётганлигини эътироф этди.

Ҳудуддаги 105 та фермер хўжалиги ходимлари 4471 гектар майдонда деҳқончилик қиляпти. Жамоа шартномаси асосида уларга иш берувчи томонидан етарли даражада шароит яратилгани, моддий манфаатдорлиги таъминланаётгани боис юқори натижаларга эришилмоқда. Қишлоқларда оммавий ва болалар спортини ривожлантириш, сервис хизмат турларини кўпайтириш, ёш оилаларни намунавий уйжойлар билан таъминлаш каби муҳим жиҳатлар давр билан ҳамнафасликнинг ёрқин ифодаси бўлаётир.

Бирлашган фермер хўжаликлари касабақўм раиси Сайфулла Беҳбудовнинг таъкидлашича, тасарруфда 10 цех ташкилот мавжуд бўлиб, уларда 1085 нафар аъзо манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Бир қатор нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Жамоа шартномасида кўзда тутилган тадбирлар доирасида касаба уюшма қўмитаси тавсиясига асосан 58 млн. 748 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчи-ходимларнинг меҳнат таътилига чиқиши муносабати билан моддий рағбатлантириш йўлга қўйилди.

— Халқимизда қарс икки қўлдан,— деди сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси А.Раҳмонов. — Иш берувчи ходимини қанчалик қўллаб-қувватласа, меҳнат самараси ҳам шунчалик юқори бўлади.

Йиғилишда туман ҳокими М.Олимов, фермерлар Аҳтам Аҳадов, Лутфия Воҳидова, Муҳиддин Жалилов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Таклифлари инобатга олиниб, 2014 йил учун жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Муносабат

Ижтимоий шериклик
манфаатлар уйғунлигини таъминлайди

Бугунги кунда давлат билан нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янги ва замонавий шакллари, усуллари ҳамда кўринишлари пайдо бўлмоқда. Улардан бири, бу — ижтимоий шериклик ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик — келишув жараёни бўлиб, умумий ижтимоий мақсадларга эришишда тарафлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаб турувчи институтлар, механизм ва жараёнлар тизими тушунилади. Ва биринчи навбатда, давлат томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолияти учун яратиб берилган шароит, уларни моддий ва маънавий таъминлаш масалаларига эътибор қаратилади.

Ўзбекистонда билвосита давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган 10 дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлиб, «Касаба уюшмалари, унинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунлар бунга мисол бўла олади. Қонунчилик тизимимизда ижтимоий шерикликка оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган бир қатор нормалар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасига асосан: «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради». Шу каби нормаларни «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида, «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасида, Меҳнат кодексининг 28- ва 52-моддалари, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида кузатиш мумкин.

Айни вақтда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларнинг аниқ чегараларини акс эттирган, мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган ягона қонун қабул қилиш зарурати мавжуд. Мамлакатимиз Президенти томонидан таклиф этилган Концепция асосида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Муҳокама жараёни кетаётган қонун лойиҳасида (5 боб, 32 моддадан иборат) унинг мақсади ва вазифалари, асосий тушунчалар, очиқ ифодаланган ҳамда ижтимоий шерикликнинг субъектлари, асосий вазифа ва принциплари белгиланган. Шунингдек, у ижтимоий шериклик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, ижтимоий шериклик даражалари, унинг молиявий асосларини кўрсатиб беради. Лойиҳада ижтимоий шериклик тарафларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эътибор қаратилиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий шериклик соҳасидаги иштироки белгилаб берилган.



«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада мукаммаллаштириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, назаримда. Хусусан, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун нормаларида нафақат икки томонлама шериклик, балки уч томонлама шериклик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга эътибор қаратиш керак. Шунингдек, ижтимоий шериклик тамойиллари сирасига Европа Иттифоқининг умумэътироф этилган тамойили ҳисобланадиган субсидиарлик (лотинча «subsidiarius» – «ёрдамчи» сўзидан – вазифалар қуйи даражада ҳал қилинишига йўналтирилган ташкилий ва ҳуқуқий тамойил, яъни номарказлаштириш) тамойилини киритиш фойдадан холи бўлмайди. Сабаби, субсидиарликнинг мақсади — қарорларнинг оддий фуқаро учун энг яқин даражада қабул қилинишини таъминлашдир. Бу саъй-ҳаракатлар миллий, минтақавий ёки маҳаллий даражадагига қараганда самаралироқ бўлмаса, бирор қарор қабул қилинмаслигини билдиради.

Ижтимоий шериклик субъектлари ўзаро муносабатларнинг асосий шакллари сифатида маслаҳат бюролари, телекоттежларни (инфотека) ҳам киритиш ҳам айни муддаодир. Маълумот ўрнида айтадиган бўлсак, биринчи телекоттеж 1985 йилда Швецияда, унинг Норвегия билан чегараси яқинида, мамлакат шимолидаги Вемндален қишлоғида Хеннинг Альбрехтсен исмли одам томонидан очилган. Телекоттежнинг мақсади — яккаланиб қолган қишлоқ жамоатчилигини дунё билан боғлашдан иборатдир. Биринчи телекоттежнинг мақсади аҳолига компютер ва телекоммуникация жиҳозларини тақдим этиш орқали Швециянинг олис қисмида жойлашган қишлоқ аҳолисига касбий тайёргарлик ва хизматлар кўрсатишда ҳамда янги иш жойлари яратишда кўмаклашишга қаратилган. Телекоттежлардан иҳоталаниб қолган ҳамда қўшни давлатлар телеканаллари томоша қилинадиган мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида, тоғ қишлоқларида унумли фойдаланиш мумкин.

Қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва Ўзбекистонда ижтимоий шериклик механизмлари самарадорлигини ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ: Парламент комиссияси фаолияти тўғрисида кўпроқ маълумот тарқатиш, уларнинг фаолиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш механизмларини кучайтириш лозим. Хусусан, ННТ ва ижтимий шерикликка оид қонун лойиҳаларига бағишланган тадбирлар шаҳар типидаги маъмурий-ҳудудий субъектларда ўтказилмоқда. Бундай тадбирларни марказдан узоқдаги аҳоли пунктларида ўтказилишига эришиш ҳамда хориж давлатлари тажрибасини мунтазам ўрганиб бориш, тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Оммавий ахборот воситаларида, хусусан, телевидение дастурларида ННТни рағбатлантириш масалалари, шунингдек, қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган кўрсатувларни аҳоли эътиборига ҳавола этиб бориш, шунингдек, қонун лойиҳасини классик вариантда — матбуот ва интернет нашрларида эълон қилиб, маълум муддат ичида халқ муҳокамасидан ўтказиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш лозим.

Бир сўз билан айтганда, қонунни қабул қилиш ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жамият ҳаётидаги мавқеини кўтаради, «учинчи сектор»нинг эркин фаолияти учун янги имконият ва шароитлар яратиб, уларнинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқарувчи субъект сифатидаги обрўсини юксалтиради.

Буюк Британияда қабул қилинган ижтимоий шериклик битимининг 15-моддасида қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, уни «якунлаш эмас, балки илк нуқта» деб аталган. Мамлакатимизда ҳам «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниб, кучга кириши соҳадаги муаммоларнинг бартараф этилишига замин яратади.

Иномжон АБДИЕВ

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши

Бутун халқимизни, шу жумладан, устоз ва мураббийларни юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

«СМ-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Халқимизни Наврўзи олам билан муборакбод этади. Байрам кайфияти йил бўйи ҳамроҳ бўлсин!

Тинчлик, омад, бахт ва саломатлик юртдошларимизни ҳеч қачон тарк этмасин. Эзгу ният ва яхшиликлар руёбга чиқиб, хонадонларингиздан қут-барака, фаровонлик ва шодлик аримасин!

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 25-mart № 38 (3387)

Тадбир

«Чинобод санаторийси» ОАЖда «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида ўтказилган «Меҳр-мурувват, миллий қадриятлар тимсоли» деб номланган сумалак сайли барчага хуш кайфият улашди.

«Чинобод»да сумалак сайли

Улуғ айём муносабати билан санаторийдаги марказий бинолар байрамона безатилди. Ҳар бир бўлим ва «Маънавият ва маърифат» хонасида улуғ айёмнинг рамзи тасвирланган баннерлар, фотокўргазма ташкил этилди.

Маънавият соатида «Соғлом бола йили» Давлат дастури мазмун-моҳияти ҳамда Наврўзнинг яшариш, янгиланиш айёми эканлиги ҳаётий мисоллар асосида очиб берилди.

Сумалак сайлига сиҳатгоҳда узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийлар, санаторий яқинидаги 2-Отчопар маҳалласида истиқомат қилаётган кам таъминланган, ногирон, боқувчисини йўқотган оила вакиллари таклиф этилиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Шунингдек, ходимлар ҳамда дам олувчиларнинг Ўзбекистон Бадиий Академияси марказий кўргазмалар зали, «Ҳазрати имом» мажмуаси, «Қатағон қурбонлари» музейи ҳамда пойтахтимиздаги театрларга ташрифи уюштирилди. Ходимлар ўртасида шахмат, шашка, теннис, арқон тортиш, югуриш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Абдуваҳоб ТОЖИЕВ,
«Чинобод санаторийси» ОАЖ маънавий ва маърифий ишлар бўйича кенгаш котиби

Кўрик-танлов

Баҳор кириб келиши билан табиат янада чирой очади. Кўнгиллар ғурур ва сурурга тўлади. Ушбу фаслда жаннатмонанд сиҳатгоҳимизнинг қиёфаси яшнаб-яшариб, эл хизматида бўлган ҳар бир ходимга, дам олувчиларга файзу назокат бахш этади. Айнан шу пайтда кўнгилочар тадбирларимиз салмоғи ҳам ошади.

«ОРАСТА ҚИЗЛАР» БАҲСИ

Янгиланиш айёми — Наврўз арафасида сиҳатгоҳимизнинг байрамона безатилган клубида ходимларимиз ва дам олувчилар иштирокида «Сен азиз ва муқаддассан, муқаддас аёл!» шиори остида «Ораста қизлар» кўрик-танловини ўтказдик.

Танловда санаторийимизда меҳнат қилаётган ҳамшира ва кичик ҳамшираларнинг 5 нафари ўз маҳоратини намойиш этди. Ўзини таништириш, пазандалик, касби бўйича саволжавоб ва эркин мавзуга оид (шеър айтиш, рақсга тушиш, қўшиқ куйлаш) қизлар баҳсида даволаш бўлими ҳамшираси Фарида Раҳмонова энг кўп балл тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринлар ётоқ бўлими кичик тиббий ходимаси Малика Тўқсонова ва таҳлил қилиш бўлими ҳамшираси Азиза Тоҳировага насиб этди.

Голиб ва иштирокчиларга касаба уюшма қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Наргиза АКРАМОВА,
«Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси директори ўринбосари

Халқимиз Наврўз шодиёналарини кенг тантана қилаётган шу кунларда Фарғона вилояти қўғирчоқ театрининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

БОЛАЖОНЛАРГА БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Наврўз байрами кунлари шундай замонавий санъат масканида иш бошлаётганимиз жамоамизни беҳад қувонтириб юборди, — дейди вилоят қўғирчоқ театри директори Таваккалжон Султонов. — Бундай шароит бизни янада илҳом билан ишлашга ундайди.

Ижодкорлар ва ёш томошабинлар учун барча шароит яратилган маскан «Ўз уйингни ўзинг асра!» спектакли намойиши билан очилди.

ЎзА

ВЕЛОСПОРТ

Юртимизда велоспортнинг тараққий этишида катта ҳисса қўшган, кўплаб истеъдодли ёшларни тарбиялаб, вояга етказган мураббий Баҳодир Мўминов хотирасига бағишланган анъанавий турнир ташкил

ХОТИРА ТУРНИРИ

Эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилган мусобақада Тошкент, Наманган, Сирдарё вилоятлари ҳамда пойтахтлик 50 дан ортиқ велоспортчи яккалик, спринт, «Медисон» ва Кейрин каби тўрт йўналишда ўзаро баҳс юритишди.

Беш босқичдан иборат хотира турнирида эркаклар ўртасида Темур Гумеров (66 очко), Владимир Тўйчиев (52 очко), Руслан Федоров (49 очко) совринли ўринларни банд этди.

Аёллар ўртасида эса Олга Дробишева (69 очко), Александра Охват (52 очко) ҳамда Екатерина Кнебелева (50 очко) шоҳсупага кўтарилдилар.

Алена САПАРОВА,
Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

«КАСАБА-ТУР — 2014»

Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ходимлар соғлиғини мустаҳкамлашда велоспортнинг ўрни беқиёс. Ҳар бир ташкилотда «Касаба-тур» мусобақаларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу — эл саломатлиги.

ОТА-ОНА ЎРНАК БЎЛСА...

Ангрен шаҳрида жойлашган «Ўзбеккўмир» ОАЖ ходимлари ўртасида ўтказилган «Касаба-тур»нинг илк босқичи иштирокчиларга завқ-шавқ улашди, десак, асло муболаға бўлмайди.

«Кимёгарлар» спорт мажмуаси трассасида ташкил этилган мусобақада саксондан ортиқ ҳаваскор велоспортчи ўз куч ва маҳоратини намойиш этди.

Голиблик Валерий Кубишинга насиб этган бўлса, Жамшид Раҳмоналиев ҳамда Талгат Баширов совринли ўринларни қўлга киритишди.

— Бундай мусобақалар ҳар биримиз учун керак. Айниқса, бугунги веломарафонни томоша қилган фарзандларимизда ушбу спорт турига қизиқиш ортганини кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Менимча, мусобақанинг энг катта ютуғи ҳам шу, — деди Жамшид Раҳмоналиев.

Совриндор ва иштирокчилар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

МИНИ ФУТБОЛ

Қаршининг «Севинч» жамоаси ўнинчи марта мамлакат чемпионлигига сазовор бўлди. «Ёшлик» спорт мажмуасида чемпионатнинг ҳал қилувчи тур ўйинларида ўн жамоа ғолиблик учун куч синашди.

«СЕВИНЧ»НИНГ СЕВИНЧИ

«Севинч» қизлари «Зомин» жамоасини 15:1, «Чирчиқ»ни 5:0, «Нефтчи-W»ни 8:1 ва «Бунёдкор-W» вакилларини 12:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шу тариқа чемпионатнинг барча учрашувларида ғалаба қозонган қаршиликлар 54 очко билан чемпионлик унвонини сақлаб қолди.

Шахрисабзнинг «Лочин» жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. «Лочин» вакиллари «Чирчиқ»ни 5:1, «Нефтчи-W»ни 13:0, «Бунёдкор-W»ни 8:0 ҳисобида енгди.

Учинчи ўрин чемпионат давомида ўн тўртта учрашувни ўз фойдасига ҳал қилиб, 42 очко жамғарган «Чирчиқ» жамоаси аъзоларига насиб этди.

ТЕННИС

Биринчи рақамли теннисчимиз Денис Истомин Майами шаҳри (АҚШ)да ўтаётган йирик халқаро турнирнинг учинчи босқичида дунё теннис таснифида карвонбошилик қилаётган Рафаэл Надал билан куч синашадиган бўлди.

ИСТОМИН НАДАЛГА ҚАРШИ!

Учинчи босқичда ҳамюртимиз россиялик Дмитрий Турсуновдан уч сет якунига кўра 6:7, 6:0, 6:3 ҳисобида устун келди. Шу тариқа ушбу теннисчиларнинг ўзаро учрашувларидаги ҳисоб тенглашди — 3:3.

Таъкидлаш жоизки, Денис Истомин Дмитрий Турсунов устидан қозонилган уччала ғалабани ҳам жорий йилдаги турнирларда қўлга киритди. Биринчи ғалабага январ ойида Австралия очиқ чемпионатида сазовор бўлган бўлса, кейинги муваффақиятларга феврал ойида Монпеле (Франция)да ҳамда март ойида Майамида эришди.

ФУТБОЛ

Юртимиз майдонларида «Олий Лига — 2014» иккинчи тур учрашувлари якунига етди.

ДУРАНГСИЗ ТУР

Амалдаги чемпион «Бунёдкор» сафарда «Машъал»ни мағлуб этди. Бу йил баҳсларга ҳар қачонгидан жиддий киришганини амалда намойиш этаётган «Пахтакор» Фарғонада «Нефтчи» клубини 2:1, «Олмалиқ» эса «Сўғдиёна»ни 4:2 ҳисобида мағлуб этди. «Қизилқум» ва «Андижон» ўртасида кечган баҳсда мезбонлар кичик ҳисобда ғалаба қозонишди — 1:0. Наманганга сафар уюштирган «Бухоро» жамоаси эса бу гал мағлубиятга учради — 0:2.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Таълим тараққиёти» ахборотномаси таҳририяти жамоаси таҳририят илмий маслаҳатчиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Рустам АХЛИДИНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Кўргазма

Мамлакатимиз хотин-қизлари турли соҳаларда: адабиёт, фан, маданият, санъат йўналишларида ўз истеъдод ва билимларини намоён этиб келмоқдалар. Айниқса, тасвирий санъат борасида яратилаётган асарлар олам-олам қувонч, нафосат ва гўзаллик бахш этаётир.

Туйғуларга бой манзаралар

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида ўтказилган Дилором Мамедованинг шахсий кўргазмаси бунга бир мисол бўлди. Унда истеъдодли ёш ижодкорнинг 150 дан ортиқ ранг-тасвир ишлари намойиш этилди.

Дилором Мамедова республика ва халқаро кўргазмаларнинг фаол иштирокчиси. У 1998 йилдан Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси.

Рассом мўйқалами остида ўз такомилини топган жозибали манзаралар тасвирининг ҳаққонийлиги, самимийлиги ва соддалиги билан ҳар қандай нозик таъб томошабинни ўзига ром этади. Ана шундай дилтортар асарлар қаторида «Баҳор келди», «Тоғда баҳор», «Филон», «Фориш», «Очиқ эшик», «Ёнғоқзор», «Куз», «Қишлоқда», «Паркент», «Кумушконда», «Чуст ҳовлиси», «Чирчиқ дарёси» кабиларни санаб ўтишимиз мумкин. Айниқса, табиатнинг бетакрор, тез ўзгарувчан оний лаҳзаларини рассом маҳорат билан тасвирлайди. «Кўркам табиат», «Булутли кун», «Ёмғирдан сўнг», «Оқ-тош манзараси» кабилар шундай асарлар сирасига киради.

Асарларда фалсафий мазмун ташиши, воқеа-ҳодисани рамзий, «аллегорик» талқинини намоён этувчи, чуқур фикрлашга чорловчи композициялар ҳам мавжудки, уларнинг ҳар бири ҳаёт, умр, инсон тақдири, унинг турмуш кечинмалари тўғрисида ҳикоя қилади. «Тақдирлар бирлашганда», «Висол оқшоми», «Пайшанба», «Умр ўтмоқда», «Тараддуд кўриш» каби композициялар шундай кенг қамровли асарлардан десак, янглишмаймиз.

Дилором Мамедованинг натюрмортлари ҳам ҳаётийлиги ва ноёб мавзу ечимига кўл урилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. «Дашнобод анорлари», «Гуллар», «Мевалар», «Миллий натюрморт», «Хумлар», «Анорлар ва қалампирлар», «Кабоблар» шулар жумласидан бўлиб, айниқса, «Оила», «Суҳбат», «Авлод» номлари билан аталган натюрмортлар рамзий маъноларга урғу берилгани, фалсафий мушоҳадаларга ундаши, айни пайтда реал воқеаликка асосланганлиги билан эътиборга лойиқ.

Мусаввиранинг асарлари Ўзбекистон Давлат Санъат музейида, «Никор» музейида (Москва), шунингдек, Туркия, Германия, АҚШ, Швейцария, Англия, Япония, Ҳиндистон, Австралия, Исроил шахсий тўпламларида сақланади.

— Мен устозларим: таниқли рассомлар — Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов ва Бахтиёр Бобоевдан таълим олганман. Улардан миннатдорман ва хотиралари олдида доимо таъзимдаман, — дейди Д.Мамедова.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб иқтидорли ранг-тасвир устаси Дилором Мамедованинг «Баҳор палитраси» деб номланган яна бир расмлар кўргазмасини ташкиллаштирди.

Унда рассомнинг портрет, пейзаж, натюрморт ва саҳна жанрларидаги асарлари тақдим этилган. Ёркин рангларга бой асарларда она-юртга, меҳнатсевар халқига бўлган юксак муҳаббати ўз ифодасини топган.

2013 йил рассом учун омадли келди, у Мустақиллик байрамига бағишланган «Энг улуғ ва энг азиз» кўрик-танловида ҳамда Хитойда ўтказилган «Биеннали — 2013» да биринчи ўринларни эгаллади ва «Йилнинг энг яхши рассоми» фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди мажлислар залида ташкил этилган ушбу кўргазма бир ой давом этади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
рассом-педагог

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev
(Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.40
Topshirildi - 22.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 318 | 22551 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5